

## ШАҲАР (АҲОЛИ ПУНКТИ) НИ ҲУДУДИЙ МУДОФААГА ТАЙЁРЛАШ (ретроспектив таҳлил)

**ШАРИПОВ И.Г.,**

*Подполковник, ЎР ҚК Академияси 1 - босқич тингловчиси*

### АННОТАЦИЯ

Мақола шаҳарни мудофаага тайёрлашга таъсирини таҳлил қилишнинг услубий масалаларига бағишланган. Унда ушбу воқеъликка нисбатан шаклланган нуқтаи назарлар эволюцияси келтирилган, ҳарбий соҳада шаҳарнинг жанговар ҳаркатларни олиб боришга ижобий ва салбий таъсири кўриб чиқилган, шаҳарнинг ҳудудий мудофаадаги ролини тадқиқ этиш услубияти таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** агломерация<sup>1</sup>, доктрина, урбанизация, концепция, функционал, композиция, силуэт, конструкцияларнинг ривожланиш суръатлари.

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена методологическим вопросам анализа влияния на подготовку города к обороне. В нем представлена эволюция сформировавшихся взглядов на это призвание, рассмотрено положительное и отрицательное влияние города на ведение боевых действий в военной сфере, предложена методология исследования роли города в территориальной обороне.

**Ключевые слова:** агломерация, доктрина, урбанизация, концепция, функционал, композиция, силуэт, темпы развития конструкции.

### ABSTRACT

The article is devoted to methodological issues of analyzing the impact on the preparation of the city for defense. It presents the evolution of formed views on this vocation, examines the positive and negative impact of the city on the conduct of military operations in the military sphere, and suggests a methodology for studying the role of the city in territorial defense.

**Keywords:** agglomeration, doctrine, urbanization, concept, functional, composition, silhouette, pace of construction development.

Замонавий қуроли тўқнашувлар ва дунёда рўй бераётган гибрид характердаги қуроли тўқнашувлар таҳлили биздан Қуроли Кучларни илгари амалда қўлланилмаган қуроллардан фойдаланадиган кучларга қарши кураша олиш қобилиятини оширишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг замонавий босқичи давлатимизни барқарор ривожланишнинг янги манбаларини излаб топиш ва сафарбар этишни тақозо этмоқда. Ана шундай манбалардан бири ҳудудий омиллар ҳисобланиб, бу омиллар кўп жиҳатдан Янги Ўзбекистонда амалга

<sup>1</sup> **Агломерация** (лот. agglomerare – қўшиб олиш, тўплаш) – интенсив ишлаб чиқариш, меҳнат, маданиймаиший ва рекреацион алоқалар асосида бирлашган шаҳар жойларининг гуруҳланиши, компакт жойлашувидир.

оширилаётган ҳар томонлама ижобий ўзгаришлар суръатлари ва самарадорлигини белгилаб беради.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва кенг халқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган 20222026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси”да юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор вазифа этиб белгиланган.

Жорий йилнинг январ ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида “мамлакатимиз ҳудудларини оператив жиҳозланишини таъминлаш, ҳудудий мудофаа ва фуқаро мудофааси тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органлари барча субъектларининг фавқулотда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича тайёргарлик даражасини кучайтириш муҳим вазифадир” деб белгилаб ўтди.

Қуролли тўқнашувлар тажрибаси шундан далолат берадики, бугунги кунда мамлакатлар ҳудудларини ҳудудий мудофаага тайёрлашнинг энг самарали ва энг муҳим йўналишларидан бири бу, шаҳар агломерацияларини шакллантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларнинг асосий вазифаларида бири бўлган, мамлакат ҳудудини тезкорлик билан жиҳозлашга ва ҳарбий инфратузилмани ривожлантиришга доир тадбирларни ўтказиш ҳамда ҳудудий мудофаа ва фуқаро муҳофазаси тизимларини белгиланган муддатларда ёйишга ҳамда тегишли вазифаларни самарали бажаришга шай ҳолда сақлаб туриши<sup>2</sup> ни инобатга олган ҳолда шаҳарларнинг агломерацияси нақадар муҳимлигини англаб етишимиз мумкин.

Шаҳардаги жамоат бинолари ва унинг мажмуалари сунъий яратилган бўлиб, бир ёки бир нечта жараёнлар ўзаро боғлиқ бўлган ҳаётий фаолиятни олиб боришга мўлжалланган. Қурилиши бўйича кўп мақсадли жамоат биноларининг энг асосий вазифаси унинг ҳажмли режалаштирилиши асосини инсоннинг ҳаёт фаолияти давомида жамиятга хизмат қилишига эришишдан иборат. Кўп мақсадли жамоат бинолари - бу икки ёки ундан ортиқ мақсадларда (яшаш, тижорат, офис, кўнгилочар, хизмат кўрсатиш ва х.к.з) биноларни бирлаштирадиган кўчмас мулк объекти (ёки бир нечта объектлар), бунда тижорат ва уй-жой функциялари бирлаштирилиши мумкин.

Кўп мақсадли жамоат биноси замонавий шаҳар қурилишида архитектура объектларининг истиқболли турларидан бири ва замонавий шаҳарсозликдаги энг истиқболли ва шу билан бирга энг мураккаб кўринишидир. Кўп мақсадли жамоат биноларини лойиҳалашда замонавий шаҳарсозликдаги энг истиқболли ва шу билан бирга энг мураккаб формадаги лойиҳаларни яратиш, турли хилдаги ижтимоий, маиший, конструктив, физик-техникавий, молиявий ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қурилади. Кўп мақсадли жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари, аҳолини жойлаштириш қулай маиший-турмуш ва

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Доктринаси тўғрисида 458-сон Қонуни - Тошкент.- 2018 й – С. 7

яшаш шароитини яратиши билан таснифланади. Биноларнинг жойлашиш жойи унинг аҳамиятига, шаҳарда, қишлоқда, туманда ёки микрорайон аҳолисининг эҳтиёжи даражасига, хизмат кўрсатиладиган аҳолининг тоифаларига ҳамда унинг бажарадиган вазифаларига кўра аниқланади. У ёки бу гуруҳдаги жамоат биноларининг режа тузилмаси кўп йиллик лойиҳа-қуриш ва улардан фойдаланиш амалиёти натижасида шаклланади. Иқлим шароитлари, табиат, аҳоли турмушининг маданий-маиший жиҳатлари ва халқнинг анъаналари биноларининг композициясида ўз аксини намоён этади, лекин уларнинг қурилиш характеристикаларини ўзгартирмайди.

**Шаҳар** – бу инсонлар учун фаолият юритиши ва яшаши учун макон ҳисобланиб, бунда инсон шаҳарда жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун эмас, балки ўзининг кундалик ҳаёти учун қулай, шинам, самарали ва фойдали муҳит яратиш учун ҳаракат қилади.

**Аҳоли пункти** – аҳоли доимий яшайдиган жой бўлиб, шаҳар ёки қишлоқ шаклида бўлиши мумкин. Аҳоли пунктларида бир неча юздан то бир неча миллионгача аҳоли истиқомат қилади.

Бирор давлат ҳудудидаги энг катта аҳоли пунктларидан бир ўша давлат пойтахти мавқеига эга бўлиши мумкин.

Табиий шароит, кишилар машғулоти ҳамда турли иқтисодий ижтимоий, тарихий омиллар таъсирида шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул кўринишидаги аҳоли пунктлари таркиб топган.

Шаҳарлар йирик сиёсий, ижтимоий - иқтисодий ва маъданий аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланади.

Улар том маънода давлатнинг ва жамиятнинг “**оғирлик кучи маркази**” сифатида намоён бўлмоқда, уларни жангда қўлга киритиш эса муваффақиятга эришишнинг муҳим тамойили ҳисобланади.

Шаҳар майдонларининг шиддат билан ошиб бориши, айниқса дунёнинг ривожланмаган давлатларида кўп сонли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага келтирмоқда.

**Урбанизация** жараёни кўп ҳолларда шаҳарларни назоратсиз ривожланишига, яъни ўзбошимчалик билан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши, хароба маҳаллалар, ахлатхоналар, ишлаб чиқариш зоналари, экологик хавфли объектларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Шаҳарлардаги мавжуд бундай ҳудудлар номунтазам қуроли тузилмалар томонидан партизанлик (қўзғолончилик) ҳаракатларини олиб боришларига, биринчи навбатда қулай шароит яратиб бермоқда, бевосита шаҳар кварталлари эса аксинча уларни ҳаракатларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ҳарбий тайёргарлиги суёт бўлган томон иложсизликдан кучли томоннинг устунлик жиҳатларини нейтраллаштиришга ҳаракат қилади. Урбанизациялашган ҳудуд бу маънода кучсиз томонга яхшигина имконият яратиб беради.

Ўтган асрларда мавжуд бўлган шаҳар-қалъалардан фарқли ўларок, замонавий шаҳарлар унда жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун имконият яратиб бермайди.



Шунинг учун уруш даврида шаҳар мунтазам армия учун кўплаб муаммолар ва қийинчиликларни юзага келтирувчи ўзига хос “**жанг майдони**”га айланади.

Шаҳар шароитида жанговар ҳаракатларни олиб бориш давомида инобатга олиниши лозим бўлган асосий омиллардан бири бу ундаги аҳолининг сони ва душманлилик даражасидир.

Бундан ташқари ҳар бир минтақа, аҳоли пункти ва ҳудуднинг маъданий ва демографик ўзига хослигини инобатга олиш керак.

Чет эл ҳарбий мутахассисларининг фикрича, шаҳар бир-бирига боғлиқ учта элементдан иборат бўлган тизимни ўз ичига олади, яъни *жой, аҳоли ва инфратузилма*, бу элементлар ўз навбатида “**жангнинг шаҳар макони**”ни ташкил этади.

Классик жанглار “**жанг майдони**” даги текис ҳудуд ҳақидаги тасаввур (фронт, фронт орти, қанотлар)дан фарқли равишда, шаҳардаги жанглarda макон ўлчовлари янада кенгайди. Узунлик ва кенглик характеристикаларига қўшимча равишда баландлик ва чуқурлик тушунчалари ҳам қўшилади.

Шу йўсинда ташкил топган “**жангнинг шаҳар макони**” ўз ичига қуйидагиларни олади:

- шаҳар устидаги ҳаво бўшлиғини;
- иморат ва бинолар томларини;
- бино ва иморатларнинг ички хоналарини;
- ер юзаси, кўчалар, майдонлар ва сув ҳавзаларини устки қисмини;
- ер ости ва сув ости иншоотлари ва объектларини.

Шаҳар шароитида жанговар ҳаракатларни олиб боришга асосан шаҳардаги мавжуд бино ва иморатлар, шаҳар ичидаги сув тўсиқлари (канал, кичик дарё) таъсир кўрсатади.

Шаҳар шароитида олиб бориладиган жанглар ва тўқнашувлар ўта шавқатсиз характерга эга бўлиб, битта бинонинг ўзида ҳар хил бўғинларда (қаватлар, томлар, ертўлалар) ва зиналарда олиб борилиши мумкин.

Бекорга шаҳар шароитида олиб бориладиган жанговар ҳаракатлар америкалик ҳарбий мутахассислар томонидан “**дўзахдаги жанг**” деб номланмайди.

Кўп сонли мустаҳкам бинолар ва улкан ишлаб чиқарувчи корхоналардан иборат шаҳар (аҳоли пункти) қисқа вақт ичида мустаҳкам муҳофаа тугунларига айланиши мумкин.

Темирбетонли иморатлар ва қурилишлар, кенг тармоқланган ер ости иншоотлар тизими, кўп сонли ҳар хил тўсиқлар ва юриш қийин бўлган ҳудудларнинг мавжудлиги, дала шароитига қараганда муҳофаани қулайроқ тузишга имкон яратади.

Шаҳар (аҳоли пунктлари)лар у ерда истиқомат қилувчи аҳоли сонига қараб, *катта, ўрта* ва *кичик* шаҳарларга бўлинади<sup>3</sup>:

**100 минг** ва ундан кўп истиқомат қилувчи шаҳарлар *катта*;

**50-100 минг** аҳоли истиқомат қилувчи шаҳарлар *ўрта*;

**50 минг** аҳолидан кам истиқомат қилувчи шаҳарлар *кичик*.

Шаҳарда яшовчи аҳоли сонидан келиб чиқиб унинг ўлчамини билиш ҳам мумкин.

Ўрта шаҳарларда **50 минг** аҳоли истиқомат қилса, бундай шаҳарлар майдони **15 км** атрофида айланага эга бўлади, **100 минг** кишидан иборат шаҳарлар эса **25 км** ва ҳоказо.

Шаҳарларнинг ўлчамидан келиб чиқиб, уни эгаллаш ва мудофаа қилиш учун керакли куч ва воситалар сонини аниқлаш мумкин.

Кўпгина шаҳар режаларида белгиланган қонунийликка асосланганлик кузатилади, яъний шаҳар марказида кўпроқ замонавий типдаги янги иморатлар билан ўраб олинган эски қурилишлар, уларнинг ортида эса, шаҳарга туташган аҳоли пунктлари бўлади.

Шаҳарнинг эски (қадимги) қисми янгисидан ҳалқали бульвар билан ажралиб туриши мумкин. Шаҳарнинг эски қисмида кўчалар эгри ва ингичка, яъни **8-10 м** кенгликда бўлиши мумкин, улар ҳар тарафга қараб йўналган бўлиб кўпгина кўчани бирлаштирувчи кичик кўчаларга олиб чиқади.

Эски шаҳардаги уйлар ғиштли, бир-икки қаватли сомонли лойдан қурилган, бир-бирига жуда тўғиз туташган бўлади. Бундай уйларни мудофаага осон мослаштириш мумкин.

Шаҳарнинг янги қисмида, қоидага кўра, саноат корхоналари ва турар жой кварталлари жойлашган. У ерда кўчалар тўғри ёки радиал (шуъласимон) айлана жойлашувга эга, шунингдек, у ерда катта майдонлар ва истироҳат боғлар мавжуд.

Кўчалар кенглиги **10 м** дан **30 м** гача ва ундан кенг бўлиши мумкин. Замонавий типдаги қурилган уйлар, эски шаҳардаги уйларга қараганда сийрақроқ жойлашган бўлади.

Уларнинг айримлари бир – биридан тошли ёки темирли девор ва панжаралар билан ажратилган бўлади, йўғон бетон тўсиқли ер ости бинолар қўшинлар томонидан яширин ва пана жой сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Тартибли режа асосида қурилган шаҳар (аҳоли пункт)лар** ундаги мавжуд тўғри кўчалар ва геометрик тўғри шаклдаги кварталлари билан фарқ қилади ҳамда улар тўғри бурчакли, радиал ва аралаш бўлиши мумкин.

Тўғри бурчакли режа қурилишга эга шаҳарлар тўғри бурчак остида ва тор кўчалар кесишиш тизими чекланган кварталларнинг кўп сонлиги билан характерланади.

Радиал қурилиш режасига эга шаҳарларда магистрал кўчалар шаҳар марказидан шаҳар четига радиус бўйлаб йўналган бўлади, оралик кўчалар эса эгри ҳолда туташган бўлади. Кўчалар ва кварталлар тизимини шаҳарда жанговар ҳаракатларни режалаштиришда инобатга олинади.

Кўчалар асосан қўшинлар манёвр қилиши ва ҳаракатланиши учун асосий йўллар ҳисобланади, кварталлар ва чорраҳаларнинг тўғри жойлашганлиги уларнинг асосий ориентирлар сифатида аҳамиятини янада оширади.

**Номунтазам қурилиш режали аҳоли пунктлари** кўчаларнинг торлиги ва кварталларнинг нотўғри шакллари билан характерланади. Бундай қурилиш режаси ҳужум қилаётган қўшинга манёвр қилиши учун қийинчилик туғдиради.

**Квартал** – бир неча кесишган кўчалар билан чекланган шаҳарнинг бир қисмидир. Аҳоли пунктларида кварталлар ёғочли (оловга чидамсиз) ва тошли (оловга чидамли) қурилишларга эгаллиги билан фарқланади.

**Аралаш қурилиш планлари** қоидага кўра, шаҳарларга хос бўлиб, номунтазам қурилиш планига эга бўлган эски қисми ва мунтазам қурилиш планига эга (асосан шаҳар четида) янги қисмларидан иборат бўлади.

**Шаҳарга хос квартал қурилишлари:**

ёшпасига (алоҳида бино фасадлари ўртасида деярли ораликлар йўқ);  
зич (бинолар ўртасида унча катта бўлмаган ораликлар мавжуд);  
тарқоқ (катта майдонда тарқоқ қурилишларга эга) кўринишида бўлиши мумкин.

Зич ва тарқоқ иншоотлар кичик ва баъзида ўрта шаҳарлар, турли посёлкалар учун кўпроқ мос бўлади.

**Шундай қилиб, шаҳарларнинг қурилиш режаси тузилиш типини қуйидагича бўлиши мумкин:**


**зич (ихчам)** – шаҳарнинг барча функционал зоналарининг ягона периметр бўйича жойлашиши билан характерланади.

**ажралган ҳолда** – шаҳар ҳудудини дарёлар, жарликлар ёки транзит темир йўллари кесиб ўтиши натижасида юзага келади.

**тарқоқ** – бир-бири билан транспорт йўллари билан боғланган бир неча шаҳар қисмларини юзага келиши билан ифодаланади.

Кўчаларнинг режасига асосан шаҳарлар ундаги кўчаларнинг жойлашишига қараб бир биридан фарқ қилади: булар шуъласимон, шуълали-ҳалқасимон, нурли, тўғрибурчакли ёки шахматсимон, нурсимон, аралаш ва эркин (ихтиёрийлик) кўринишда бўлиши мумкин (1-расм).

Шуъласимон тизимли кўчалар кўпроқ эски шаҳарларда учрайди, ўзининг кам



1-расм. Шаҳар кўчалари режаси:

- 1. Радиал 2. Радиал-айлана 3. Шуъласимон 4. Тўғри бурчакли ёки шахматсимон
- 5. Аралаш 6. Ихтиёрий

ўтказувчанлик қобилияти билан айниқса, шаҳар марказида кўшинларнинг



шаҳардаги жанговор ҳаракатларига ноқулайликлар яратади. Шаҳарда шуъласимон тизимли кўчаларга уланган халқасимон йўлларнинг йўқлиги ҳужумда кўшинларнинг манёврени, мудофаада қарши ҳамлани қийинлаштиради.

Ўз ўрнида шуълали-ҳалқасимон режали йўллар айлана мудофаани ташкиллаштиришга ва бир вақтнинг ўзида жангни марказ йўналишига олиб чиқадиган турли хил тарафлардан ҳужум ҳаракатларини олиб боришга қулайлик яратади.

Бундай тизимдаги кўчалар эски шаҳарлар учун хос бўлиб, асосан қоидага кўра, унинг марказида, яъни у ерда бошқармалар ва ҳар-хил турдаги мустаҳкам иншоотлар жойлашади.

Шаҳар (аҳоли пункти) ўзининг асосида мудофаани ташкиллаштириш, душман ҳужумини тўхташга қодирлик, унинг ҳужум қилаётган аҳамиятли кучларини ўзига тортишга ва узоқ вақт давомида муваффақиятли жанг олиб боришга ва ҳатто тўла равишдаги қуршовда ҳам қулай шароит яратади.

Айрим манбааларда аҳоли пунктига тасниф берилганда қуйидагича ёндашилади, яъни аҳоли пунктларининг асосий таснифий белгиси сифатида унда яшаётган аҳолининг сони ҳисобланади ва шундан келиб чиқиб, у қуйидагича бўлинади:

- *жуда йирик шаҳарлар (3 миллион кишидан ортиқ);*
- *нисбатан йирик шаҳарлар (1 миллиондан 3 миллионгача киши);*
- *йирик шаҳарлар (250 мингдан 1 миллионгача киши);*
- *катта шаҳарлар (100 мингдан 250 минггача киши);*
- *ўрта шаҳарлар (50 мингдан 100 минггача киши);*
- *кичик шаҳарлар ва посёлкалар (50 минггача киши);*
- *йирик қишлоқлар (5 мингдан ортиқ киши);*
- *катта қишлоқлар (1 мингдан 5 минггача киши);*
- *ўрта қишлоқлар (200 дан минг кишигача);*
- *кичик қишлоқлар (100 тадан кам одам).*

Шу билан биргаликда аҳоли пунктлари унинг турларидан келиб чиқиб ҳам таснифланади, яъни:

- *шаҳарлар;*
- *шаҳар типдаги посёлкалар;*
- *оддий посёлкалар;*
- *дачага оид посёлкалар;*
- *қишлоқлар.*

Аҳоли пунктлари уларнинг аҳамиятига кўра қуйидагича таснифланади:

- *ҳудуднинг маркази;*
- *хўжалик қишлоқ маркази;*
- *қишлоқ маъмурияти маркази;*
- *маъмурий район маркази;*
- *республика, вилоят, ўлка маркази;*
- *марказ, пойтахт, мамлакатнинг асосий шаҳри.*

Аҳоли пунктлари жойнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади ва йирик хўжалик ва ҳарбий аҳамиятга эга ҳисобланади. У ёки бу ҳудудда

жойлашган аҳоли пунктларининг сони, хусусияти ва ўлчамлари, ундаги яшаш шароити, қолаверса хўжалик ва маъданий даражасини белгилаб беради.

Бундан ташқари, аҳоли пунктларининг ориентир сифатида ҳам аҳамияти каттадир. Буларнинг ҳаммаси харитада уларни тасвирлашга, айниқса кичик масштабли хариталарда қуйидаги талабларни қўяди:

- аҳоли пунктининг тури, аҳолининг сони ва аҳоли пунктларининг маъмурий аҳамиятини акс эттирилиши;
- асосий кўчалар, майдонлар, ориентирлар ва сунъий тўсиқларни ажратиб кўрсатилишини;
- аҳоли пунктларининг қурилиш режаси (планировка)нинг ўзига хослиги ва иморатларнинг зичлигини тасвирлаб берилишини;
- аҳоли пунктлари ичидаги ўсимлик қопламаларини тавирланишини;
- аҳоли пунктларининг ташқи чегарасини ва уларга келишни ўзига хослигини аниқ кўрсатиб берилишини.

Умуман олганда, шаҳар (аҳоли пункт)лари қўшилма ва бўлинмалар томонидан жанг олиб борилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Мудофааланаётган қўшинга нисбатан ҳужум қилаётган қўшинга шаҳар (аҳоли пункт)нинг таъсири кўпроқ бўлади.

Шаҳарда баланд биноларнинг кўпайиши бу жанговар ҳаракатларни олиб боришда мудофаа жангини олиб боришга қулайлик яратиш билан биргаликда тинчлик даврида:

- транспорт алоқаларининг мураккаблашуви;
- коммуникация объектларининг узоклашуви;
- атрофмуҳитнинг ифлосланиши;
- уйжой фондидан фойдаланишнинг ёмонлашуви;
- ҳаётий муҳим бўлган энергетик объектлар (иссиқлик, энергия, сув таъминоти ва тозалаш иншоотлари манбалар)ига юкламани ошиши;
- ижтимоий инфратузилма объектларигача бўлган масофанинг ошиши;
- ўрмонпарк массивлари, сув ҳавзаларидан яшаш жойларининг узоклашиб бориши;
- инқирозли, депрессив районларнинг пайдо бўлиши ва уюшган жиноятчиликнинг ошиб бориши.

Замонавий қуролли тўқнашувлар, шаҳар шароитидаги жанг турларини кўриб чиқар эканмиз, бундан шаҳар (аҳоли пункти) мудофаси бевосита ички ва ташқи томонидан тайёрланиб, ташқи томонидаги мудофаа – ҳудудни мудофаа қилиш тамойилига асосан тайёрланса, ички томонида эса марказга қарата марралаб, мудофаа тугуни ва позицияларини тузиш йўли билан амалга оширилади. Биноларнинг конструктив жиҳатидан келиб чиқиб ўт очиш тизимини **кўп қатламли** тузиш учун қулай шароитлар мавжудлиги (биноларни ер тўласидан томига қадар) билан ажралиб туради.

Бундан ташқари шаҳар (аҳоли пункти)ни мудофаа қилувчилар ўзаро ажралган кичик гуруҳлар таркибида, лекин бир-бири билан оловли алоқа билан боғланган ҳолда алоҳида қурилган бино ва таянч пунктларида жойлашади,



ҳарбий ҳизматчиларга ва жанговар техникага талафот етказиш майдони фронт бўйлаб горизонтал ва вертикал яссиликда 2 баробаргача кўп бўлади.

Шаҳар (аҳоли пункт)ларида ер ости коммуникациялари (ер тўла, ер ости йўллари, метро ва х.к.) мавжудлиги ҳисоби учун авиация ва артиллерия қўллаган шароитда ҳам душман ўта яшовчанлигини сақлаб қолиши хусусиятига эга. Шаҳардаги жанг тажрибалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ер ости коммуникациялари турли кўринишга эга бўлиб қўйидагича таснифланади: узунлиги **900 метр**гача, чуқурлиги **12 метр**гача, туннель баландлиги **1,5 метр** эни эса **1 метр**гача.

Террористик ташкилотлар томонидан қурол-яроқ ва портловчи моддаларсиз ўз мақсадига эришиш мақсадида “янги ҳаракат тактикаси” автомобиль билан аҳоли гавжум бўлган ҳудудга кириб бориш ва катта тезликда уларни “**босиб кетиш**” усулини қўллаб Европанинг бир қатор шаҳарларида хусусан, 2016 йил июль ойида Ниццада (86 та вафот этган, 308 та жароҳат олган), 2016 йил декабр ойида Берлинда (12 та вафот этган, 49 та жароҳат олган), 2017 йил март ойида Лондон, Вестминтерда (4 та вафот этган, 40 та жароҳат олган), 2017 йил апрел ойида Стокгольмда (4 та вафот этган, 15 та жароҳат олган), 2017 йил июн ойида Лондонда (8 та вафот этган, 48 та жароҳат олган), 2017 йил июн ойида Лондон, Финсбери паркида (1 та вафот этган, 10 та жароҳат олган), 2017 йил август ойида Барселонада (14 та вафот этган, 100 та жароҳат олган), 2017 йил август ойида Камбрильсда (1 та вафот этган, 6 та жароҳат олган) террористик актларни содир этишган.

Шаҳар қурилишини ҳисобга олган ҳолда аҳоли гавжум жойлар атрофига, тротуарлар, майдонлар, бульвар истироҳат боғилари атрофларига тезликни пасайтириш учун мўзлжалланган, бетон, темир-бетон, темир конструкцияларни ўрнатиш орқали содир этилиши мумкин бўлган террористик актларни олдини олиш мумкин.

Шаҳар шароитида жанговар ҳаракатлар олиб бориш одатий шароитларга нисбатан бир мунча ўзига хос хусусиятларга эга, жумладан:

**Ҳаракатларнинг шакли бўйича** жанговар ҳаракатларнинг бир қатор маҳаллий жангларга парчаланиб кетиши ва бир-биридан ажралган алоҳида йўналишлар бўйича кичик бўлинма ва гуруҳлар билан олиб борилиши.

**Ҳаракатларни бошқариш услуби бўйича** бошқарувнинг қийинлашуви ва уни марказлашган тизимидан марказлашмаган тизимига ўтиб, бўлинмаларга тактик жиҳатдан мустақилликка имкон яратилиши.

**Ҳаракатларнинг олиб бориш усули бўйича** умумқўшин ва бўлинмаларида жанг олиб боришнинг ноанъанавий усуллари кенг фойдаланиши, яъни пистирма, алоҳида-алоҳида мудофаа тугунларида жангни олиб бориш, ишғол ҳамда қуршовга қарши ҳаракатлар.

Томонларнинг бири жангда ўзаро жанговар тўқнашишсиз услубини қўллаган ҳолда олиб бориши;

жанговар тутатиш чизиғини аниқ мавжуд эмаслиги ва унинг вертикал бўйича, яъни ер ости коммуникациялардан тортиб биноларнинг устки қаватларигача ва ичкарига чўзилганлиги.

**Ҳар томонлама таъминоти борасида** барча таъминотни қийинлашуви кичик бўлинмаларда захиралар миқдорини кўпайтириш ва ҳар томонлама таъминот бўйича чоралар кўришни талаб қилиши ҳамда разведка (маълумот билан таъминловчи) органлари таркибини оширилишига бўлган талаб.

Шаҳар шароитидаги жангларда кўшинларни жанговар қўлланиши асосан батальон, взвод ёхуд ишғол отряд ва гуруҳлар таркибида амалга оширилади.

Кўп сонли мустаҳкам бинолар ва йирик ишлаб чиқариш муассаларига эга шаҳар (аҳоли пункт) лари қисқа муддат ичида кучли мудофаа тугунларига айланиши мумкин. Мустаҳкам тошли ва темир бетонли бинолар ва иншоотлар, кенг тарқалган мустаҳкам ер ости иншоотларнинг мавжудлиги, кўп сонли тўсиқлар ва ўтиш мураккаб бўлган участкалар одатий шароитга нисбатан барқарор мудофаани яратишни таъминлаб беради.

Шаҳар (аҳоли пункти)ни мудофаа қилишда муҳандислик таъминотининг ўзига хослиги қуйидагиларда ифодаланади:

- ❖ бинолар, кварталлар, йирик ишлаб чиқариш объектлари ва умуман шаҳарни яхлит равишда барча ўт очиш воситаларидан ҳимоя қилишни инobatга олган ҳолда мудофаага тайёрлаш;

- ❖ шаҳар остонасида ва бевосита шаҳарда вайроналар ва тўсиқлар барпо қилиш;

- ❖ ер ости иншоотлар ва ертўладаги жойларни яширин жой учун қўшимча жиҳозлаш;

- ❖ бўлинмалар манёвр қилиши учун яширин йўлларни, шу жумладан ер ости ўтиш йўллари ва бинолар ўртасида ўтиш йўлларини, тўсиқлар ва вайроналардаги ўтиш йўлларини тайёрлаш ва жиҳозлаш;

- ❖ каналлар ва дарёлардан ўтиш учун кўприклар ва ўтиш воситаларини ўрнатиш;

- ❖ шаҳар сув ўтказгичларидан ташқари, мавжуд манбааларда сув таъминоти пунктларини ҳамда шаҳар сув ўтказиш тармоғидан фойдаланган ҳолда сув тақсимлаш пунктларини тайёрлаш.

Тошли бино ва турли иншоотларни мудофаага мослаштириш имконияти мудофаа полосасини жиҳозлаш бўйича муҳандислик тадбирларини маълум даражада камайтиради.

### ХУЛОСА:

Шундай экан, ҳозирги кунда мавжуд таҳдидлар, уларни олиб борилаётган маконларни инobatга олган ҳолда, ҳамда мамлакатимиз чегара ҳудудларида шаҳар (аҳоли пункт)лари мавжудлиги ва уларни эҳтимолий рўй бериши мумкин бўлган таҳдидларнинг дастлабки босқичларида мудофаа қилиш заруриятидан келиб чиқиб, шаҳар (аҳоли пунктлар)ни ҳудудий мудофаага тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишни вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шаҳар (аҳоли пункт) ларни агломерация муаммолари бугунги кунда долзарблигича қолмоқда. Ушбу ҳудудларни тайёрлаш, турар-жойларни қайта тиклаб замон талабига жавоб берадиган муҳандислик тармоқлари билан таъминлаш ва айниқса транспорт логистика тармоқларини ривожлантириш, шу билан бирга аҳолини маъданий маиший бинолар ва албатта маҳалла

масканларини, керак бўлса “бузиш”лар эвазига ташкиллаштириш вазифалари ҳанузгача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси. –Т., 2018 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқи. -Т., 2023 й.
3. Қуруқликдаги кўшинларнинг жанговар низоми. II-қисм. Батальон, взвод. (батальон, взвод тактик гуруҳи).- Т., 2019.
4. Приказ Министра обороны РУ № 1093 от 17.12.2016 г. «Об утверждении Наставления по организации и ведению боя в городе (населенном пункте)».
5. Воробьев И.Н. Тактика – искусства боя.- М., 2002.
6. Нарышкин В.Г. Тактика действий подразделений вооруженных сил различных государств в современных военных и вооруженных конфликтах.//Ж. Военная Мысль, 2009. № 12.
7. Усиков А.В., Бурутин Г.А., Гаврилов В.А., Ташлыков С.Л. Военное искусство в современных локальных войнах и вооруженных конфликтах (вторая половина XX – начало XXI века). – М.: Издательство института военной истории, 2017.
8. Балабин В.И. Виды, формы и способы военных действий в войнах и вооруженных конфликтах//Информационный бюллетень Смоленского регионального отделения Академии военных наук, 2015. Выпуск № 34.
9. [Обзор карты боевых действий: оперативная сводка по Сирии.](https://free-news.su/voennye-konflikty/28559-svodka-siriya-27-aprelya-18) free-news.su/voennye-konflikty/28559 - svodka - siriya - 27 aprelya 18. (мурожаат санаси 12.02.2019).
10. Urbanization: Challenges and Prospects // "Economic Review", №10 (109), 2009 - p. 20-25.
11. [На пороге большой войны в Сирии.](https://www.youtube.com/watch?v=9fr57f-sagU) <https://www.youtube.com/watch?v=9fr57f-sagU> (мурожаат санаси 01.04.2023).
12. Автомобиль как орудия террора. <https://www.youtube.com/watch?v=9fr57f-sagU> (мурожаат санаси 03.03.2023).
13. Потапова В. Действия соединений, частей и подразделений СВ при проведении специальной операции по разоружению НВФ в 1994-96 гг. на территории Чеченской республики. Особенности организации и ведения противовоздушной обороны.// Ж. Вестник ПВО, 2008. № 5.
14. Методические рекомендации по обучению войск организации и ведению боевых действий, приемам и способам ведения боя в городских условиях. М., 2017.
15. Камилов Ф.Б. Умумқўшин кўшилмаси шаҳар (аҳоли яшаш пунктида) мудофаасида. Ўқув қўлланма. // Т: 2020 й. с. 36 .
16. Самаров Р.С, Ибрагимов М.М, Юсупов Р.С, Қодиров М.О. Замонавий уруш ва қуроли тўқнашувлар тенденцияси: ҳарбий санъатнинг ривожланиш контекстида (методологик ёндашув) монография. Тошкент “Renessans” 2021. – С. 375.
17. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлар Академияси ахборот бюллетени. ЎР ҚК академияси нашри. 2022. – 2 сон С.148.